

Фарзанд тарбияси (10-дарс)



13:52 / 08.12.2017 4066

Ота уйга катта, гўзал халталарни кўтарган ҳолда келди ва: **“Ассаламу аълайкум ва роҳматуллоҳ”**, деди.

Она: **«Ва аълайкум ассалам ва роҳматуллоҳи ва барокатуҳ**, келинг, отаси, соғлигингиз учун Аллоҳга шукр, бу гўзал халтачалар нима?» деди.

Ота: «Ҳайит байрами кийимларини сотиб олдим, онаси...»

Маҳмуд ва Фотиманинг юзлари ёришиб кетди ва халталарни очаётган оталарини ўраб олишди. Хурсандчилик ва сурур тўла муҳитда ота ҳар бирларига ўз кийимларини олиб берди.

Маҳмуд: «АЛЛОҲ сизни яхшилик билан мукофотласин, отажон. Оёқ кийим ва либослар чиройли экан», деди хурсандлигидан.

Фотима: «Бу ажойиб ранглари бор либос ва чиройли оёқ кийим экан. АЛЛОҲ сизни яхшилик билан мукофотласин, отажон», деди.

Ота: «Бир неча кундан сўнг, суюклиларим, муборак “ийди фитр” кириб келади», деди.

Фотима: «Улуғ АЛЛОҲ хоҳласа, ийд байрам куни бу гўзал либосларимни кияман. Бу кийимларни кийганимизда нима деб дуо қиламиз, отажон?»

деди.

Ота деди: “Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам янги кийим кийганда шундай дейишни ўргатганлар:

عُوقِبَ الْوَيْسُ لِحُرِّ زَيْغٍ نَمَّهِ نَقَرَزَرُوْا اَدَّهٖ نَاسِكَ يَدَّلِ اِهْلَ لِدُمْحَلِ

“Алҳамду лиллаҳиллазий касаний ҳаза ва розақонийҳи мин ғойри ҳавлин минний ва ла қувватин”.

(Маъноси: «Мени куч-қувват сарфламаган ҳолимда бу ила кийинтирган ва буни менга берган АЛЛОҲга ҳамд бўлсин».)

(Абу Довуд ривояти.)

Янги кийим кийган инсонга эса шундай дейишни таълим берганлар:

اَدِيْهٖ شُؤْمٌ وَّ اَدِيْهٖ حُشٌّ وَّ اَدِيْهٖ دَجٌّ سَبَلِ

«Илбас жадийдан ва ъиш ҳамийдан ва мут шаҳийдан».

(Маъноси: «Янгисини кийинг, шукр айтиб яшанг, шаҳид ҳолда вафот этинг»).

(Имом Аҳмад ривояти.)

Маҳмуд: «Чин байрам ийд куни бўлиб, бу чиройли кийимларимни кияман ва гўзал кўриниш учун тозалигига эътибор бераман. Гўзалликни яхши кўраман, одамлар ҳам гўзалликни яхши кўрадилар», деди.

Ота деди: «Улуғ Аллоҳ ҳам гўзалликни яхши кўради... Абдуллоҳ ибн Масъуд розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«АЛЛОҲ гўзалдир (жамийлдир), гўзалликни яхши кўради», дедилар.

(Имом Муслим ривояти.)

Фотима деди: «Жамийл – АЛЛОҲнинг гўзал исмларида бирими, отажон?»

Ота: «Ҳа, Фотима! АЛЛОҲнинг баракаси бўлсин сенга, қизим. АЛЛОҲнинг гўзал исмларида яна **Жамийл** (гўзалликда, жамолда тенги йўқ, ўхшаши йўқ), **Карийм** (карамли, саховатли Зот), **Роқийб** (ҳеч нарсани қўймай

кузатиб турувчи Зот), **Мужийб** (дуоларни ижобат қилувчи Зот) бордир», деди.

Маҳмуд: «Тонгги ва кечки зикрлардан қай бирини бугун ёд оламиз, отажон?» деди.

Ота деди: «Тонгги ва кечки зикрлардан яна шундайи бор:

قَوْلِ خَامٍ رَشِدٍ نَمَاتِ الْجَلِيلِ لَاتِ الْكُوبِ دُوعًا

“Аъзу би калиматиллаҳит таммати мин шарри ма холақ”.

(Маъноси: «АЛЛОҲнинг мукаммал калималари ила У Зот яратган нарсалар ёмонлигидан паноҳ сўрайман»).

(Имом Муслим ривояти.)

Кимки бу калималарни тонг оттирганида ва кеч киргизганида айтса, унга ҳеч нарса зарар бермайди. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларига бир киши чаён чақиб олганидан шикоят қилиб келди. Шунда у зот: «Кеч киргизганида **“Аъзу би калиматиллаҳит таммати мин шарри ма холақ”**, деганинда сенга зарар қилмасди», дедилар. Яъни, «(АЛЛОҲнинг қадари ила) сени чақмаган бўлар эди».

Шу ерда яхшилик ва барака бўлган дарсимиз тугади, суюклиларим».

Абу Абдурахмон